



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 июн, чоршанба №81 (913)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ:

Бутун халқимизга қалбимдаги тўлиб-тошиб турган гапларимни айтмоқчиман: ... Мен ҳаётимни сизларсиз асло тасаввур қилолмайман. Сизларнинг тақдирингиз — менинг тақдирим. Сизларнинг бахтингиз — бу менинг бахтимдир.

Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Шунинг унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажакимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир.



Бу қутлуг — гўзал Ватан — она Туркистон бизнинг пешонамизга битилган илоҳий Ватандир. Мен Ватан деганда Онани, Она деганда Ватанни тушунаман.

Халқни бирлаштирадиган битта ғоя бўлиши керак. У ҳам бўлса шу Ватаннинг, шу тупроқнинг, эл-юртнинг манфаатидир.

Эндиги вазифа — миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг яқдиллигини таъминлаш, .. Ватан равнақи учун сиқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиладиган меҳнатимиз меваси четга кетмайди, балки шу юртимиз келажак, фарзандлар бахт-саодатига хизмат қилади.

Бизнинг олий мақсадимиз — мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш.

Ватанимиз муайян чегара ва қиёфа касб этди. Унинг куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини аниқ биламиз ҳамда бутун жисмимиз билан ҳис қиламиз.

Ўзбекистон — келажак буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳоли, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўнгина мамлакатларнинг илғор марраларига чиқи олишида ёрдам берган.

Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши, унинг яхитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

Ўз мамлақати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлиги — бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамга, мадҳия, Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради.

Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этаётган негиздир.

Ўзбекистон халқи келажакка ишонч билан қарайди. У энг аввало ўз кучларига, ўзининг бой-табиий, иқтисодий ресурсларига ишонади, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бойлик ва маданиятга ўз йўли билан келади. Улуғ келажак — олдинда.

Иймоним қомилки, улуг бобоқалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча савий-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзозлашлари мўқаррар.

«ТИКО» КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Бухоро вилоятида илғор механизаторларни рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Унга кўра мавсумда энг кўп галла майдонини ўриб, ҳосил нобудгарчилигига йўл қўймаган «Кейс-2166» комбайни бошқарувчиси Голиб



деб топилади. Бухоро вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмаси Голиб учун имтиёзли «Тико» машинаси ажратди. Шунингдек, минимал ойлик иш ҳақининг 15, 12 ва 8 баравари миқдоридagi пул муқофотлари ҳам таъсис этилди. «Енисей», «Сибиряк», «Нива», «Дон» ва бошқа комбайнларда ишлаётган механизаторларга ҳам муқофотлар таъсис этилган. Голиб комбайнларнинг санаторийларга бориб дам олиш ва даволанишлари учун имтиёзли йўланмалар ҳам ажратилди.

Аҳолиси жуда зич жойлашган Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ёшлари ўртасида сўров ўтказилганда, ишсиз юрган ёшлар вакилларининг кўпчилиги халқ хонадорчилиги сирларини, тикувчиликни ўрганишга иштиёқманд эканликларини билдиришди. Шундан сўнг шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ходимлари жойлардаги тикувчилик фирмалари, цехлари, кичик корхоналари фаолияти билан танишдилар. Ўзлари учун шаҳардаги «Мансур» кичик корхонасини танладилар.

— Мақсад-корхонамиз негизда ўқув маркази ташкил этиш бўлди, — дейди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда корхона раҳбари, тажрибали тикувчи Мавлуда Обидова. — Қисқа фурсатларда тузилган узаро фойда-

Кўргонтепа тумани қишлоқларидан келатган қиз-жувонлар ҳам хунаур ўрганишда ва мустақил ҳаётга йўланма олишмоқда. Бундан ташқари, бир гуруҳ қизларимиз Тошкентдаги намунали ўқув марказлари ва модалар ательесиде таҳсил кўриб қайтишди. Эндиликда уларнинг тажрибасига таяниб ва узоқ қишлоқлар-

лоқлар марказида ўқув марказимизнинг шохобчаларини очдик ва ёшларни хунаур ўрганишга чорладик. Яқин келажакдаги мақсадимиз — туманимиздаги бошқа аҳоли пунктларида ҳам худди шундай ўқув марказлари, хунаур ўрганиш шохобчалари очиб ҳамда ўз уйларида меҳнат қилаётган, халқ тан олган чеварларни, хунаормандларни ҳам шартнома асосида ишга жалб қилиш, уларга шогирдлар бириктириб қўйиш йўли билан ишсиз юрган ёшларни хунаур қилиш ва ишсизлик муаммосини камайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

«Туркистон-пресс».

ЁШЛАРНИ ХУНАРГА ЧОРЛАБ

ли шартномага асосан эндиликда бизнинг тикувчилик, бичувчилик ўқув марказимизда нафақат Хонобод шаҳар ёшлари, балки

да ҳам ёшлар иш ахтариб юрганликларини назарда тутган ҳолда туманимиздаги Чимён, Султонобод, Нурота каби қиш-

САХОВАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Индия Урусова Галлаоролдаги «Шохрух» хусусий жамоа корхонасига бошчилик қилади. Саховатли, ишбилармон бу аёл тумандаги барча хайрли ишларга бош қўшиб келаётир. Яқинда 11 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа туман марказий шифохонасининг юқумли касалликлар бўлимидаги тўртта хонани ўз ҳисобидан тўлиқ таъмирдан чиқарди. Хоналар оқланиб, дераза ва эшиклар сифатли бўлди. Янги жиҳозлар ўрнатилди. Индия опа бошлиқ аҳил жамоа Абдулла Қодирий номидаги 42-урта мактабни таъмирлаш ишларида ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

«Ишонч»га жавоб берадилар «ДАРАХТ ЎТҚАЗИШ ОСОН»

Газетамизнинг шу йил 25 апрел сониде юқоридаги сарлавҳали мақола босилган эди. Унда дароخت ўтқазиш осон, лекин ҳамма гап уни кўқартириб инсонларга фойда келтиришида эканлиги, лекин айрим мутасадди раҳбарларнинг мазкур масалага панжа орасидан қараётганлиги танқид остига олинган эди.

Мақола юзасидан Урганч шаҳар ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Урганч шаҳридаги катта бунёдкорлик ишлари билан бирга, уни кўқаламзорлаштиришга ҳам эътибор берилмоқда. Бироқ ернинг шўрлик даражаси баландлиги сабабли кўп дароخت ва гул кўчатлари тупроқ шароитига кўнликмай қуриб қолди. Шаҳардаги оқар сув тизимини қайта тиклаш, барча ер остидаги қувурларни таъмирлаш шаҳар архитектура ташкилоти томонидан йирик корхоналар жалб қилинган ҳолда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда шаҳарда мавжуд ва янги экилган дароخت ниҳоллари ҳамда гул кўчатларини парварилаш учун шаҳар ободонлаштириш, кўқаламзорлаштириш бошқармаси ташкил этилиб, унга тажрибали мутахассислар жалб қилинди. Бундан ташқари, шаҳарни кўқаламзорлаштиришни янада яхшилаш

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида яратилган кичик қуёш печи яқин кунларда Мисрнинг Таббин металлургия институтида ишлаб босилади. Нобб қотишмалар олиш имконини берувчи ушбу жиҳозларни сошлаш, маҳаллий ходимларни ўқитиш ишлари билан мутахассисларимиз шугулланади. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида (ФТДҚ) ҳар икки мамлакат институтлари томонидан бу борадаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Мисрлик металлургиянинг кичик қуёш печини 50 минг АҚШ долларига сотиб олиши - бундан бир йил аввал ФТДҚ билан Мисрнинг Металлургияни ривожлантириш марказий илмий тадқиқот институти ва Таббин металлургия институти ўртасида имзоланган ҳамкорлик мақсадлари тўғрисидаги аҳднона амалга оширишдаги дастлабки қадамдир. Мазкур ҳужжатда металлургияга оид илмий ахборотларни айир-бошлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб, чиқиш, кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Бу ҳужжат Мисрда ўтказилган «Металлургия ишлаб чиқаришида экологик соф технологиялар» халқаро семинарида ўзбекистонлик олимлар иштирокнинг самараси сифатида юзага келди.

Ўзбекистон бугунги кунда катта иқтисодий самара берадиган мана шундай бир қанча илғор технологияларга эга. «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида шунга ўхшаш қатор ишланмалар жорий этилган. Бунда «Омега» илмий-техник маркази самарали ёрдам кўрсатди. Марказ бундан ушбу йил аввал Фан ва техника давлат қўмитаси ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» муассислигида ташкил этилган эди.

«Омега» илмий-техник маркази фаолиятининг самарадорлигини кўйидаги рақамлардан кўриш мумкин. Масалан, технологияларнинг фақат биттасидан фойдаланиш «Олмалик кон-металлургия комбинати» корхоналарида 1,5 минг тоннага яқин олтингургурт диоксидини атмосферага чиқишининг олдини олди. Энг муҳими, ундан илгарилари Россиядан келтирилган ишлаб чиқариш учун зарур аммоний сульфит-бисульфити олинмоқда. Шу тарзда ишланмаларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара йилга 1,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу нобб технология «Омега» маркази, «Узрангметлоиҳа» институти ва комбинат мутахассислари ҳамкорлигида яратилган.

А. Иванов, ЎЗА мухбири.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

Жизза вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлимида жорий йилнинг ўтган даврда 16 та ёзма, юзга яқин оғзаки муурожаатлар қуриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Бир қатор муурожаатлар иш берувчиларнинг ходимни ноқонуний тарзда ишдан бўшатганликлари ҳусусида бўлиб, уларда адолатни ўз ўрнида қарор топтириб беришлик сўралади. Ана шундай муурожаатлардан бири вилоят ободончилик бошқармаси ходими Салима Мирзаевадан бўлиб, кенгаш ходимлари аралашувидан сўнг у ўз вазифасига тикланди. Ноқонуний ҳаракати исботланган корхона раҳбари ўз буйруғини ўзгартиришга мажбур бўлди. Шунингдек, касаба уюшмалари вилоят Кенгашига фуқаро Малохат Калоновадан шикоят хати келди. Унда хат муаллифи вилоят ер тузиш бошқармасида 9 йилдан буюн қотиба-иш юритувчи вазифасида ишлаб келиши, шу йилнинг бошларида штат ҳадвалига ўзгартириш кири-

огоҳлантирилиши шарт эди. Лекин бундай қилинмаган. Маълумки, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмамай туриб меҳнат шартно-


БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ходим вазифасига тикланди

масини иш берувчи ташаббус билан бекор қилишга йўл қўйилмади. (МКНинг 101-моддаси) Иш берувчи бу ўринда ўз буйруғини чиқаришда касаба уюшма қўмитаси розилигини олмаган. Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутуви бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиши, Кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилиши зарур эди. Меҳнат Кодексининг 108-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни иш берувчи ходимга Каранг-а, корхона раҳбари Ш.Ҳайдаров ходимни ишдан бўшатишда амалдаги меҳнат қонунларининг бир неча модда ва бандлари талабларини бузган. Ажабланирлики шундаки, мазкур корхона раҳбари вилоят касаба уюшмалари кенгаши- тикланиб, мажбурий бекор юрган вақтига ўртача иш ҳақи тўланиши зарурлиги ҳақида ер ресурслари вилоят бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳайдаров номига тақдимнома киритди. Шу йилнинг 26 майда бошқарма бошлиғининг 17-рақамли буйруғи чиқарилиб, унга асосан М.Калоновани ишдан бўшатиш ҳақидаги 18 февралдаги 7-сонли буйруғи бекор қилиниб, мажбурий бекор юрган кунларига тўлиқ иш ҳақи берилмаган бўлди. Ажаб, вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Ш.Ҳайдаров номига касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан 4 май кунни йўланган тақдимноманинг қонуний талабларига қулук тутмасдан яна орадан 20 кунлик вақтни ўтказиб, корхона ҳисобидан хотамтойлик қилса-ю, ҳеч ким унинг мушугини «пишт» демаса. Агар шу пуллар корхона ҳисобидан эмас, бошлиқнинг чўнтагидан кетганида бундай бўлмаганидир?

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ФИДОЙИНИГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН,



ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Мустақиллик шарофати ила ҳар бир Ўзбекистон фуқароси дунёқарашда улғайиш, юксалиш юз бермоқда. Тили, дини, эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаро ўзини Ватанининг бир парчаси деб билиб, буюк юрт келажагини бунёд этишдек шарафли ишда камарбасталик қилмоқда. Ҳар бир инсон ўз касбининг фидойисига айланиб, дунё билан бўйлашиб, жаҳонга назар ташламоқда. Мухими юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон. Барча миллат-элатлар дўсту биродар. Йўлбошимиз раҳнамолигида нурафшон манзил томон одимламоқда. Уларнинг қайноқ қалбларидан отилиб чиқётган сўзларида Ватан меҳри, юрт истиқболига ишонч ёрқин акс этмоқда.

Анна ОСИПОВА — Олмалик шаҳар, «Ўзбекистон» кўчаси, 4-уй 39-хонадон: — Шу юртда, Андижонда туғилганман. Олмалик шаҳрига асос солинганда бу ерга кўчиб келганмиз. Ота-онам хоки шу заминда. Нон, туз ичган макомим Ўзбекистондир. Хонадонимиз, маҳалламиз, юртимиз тинч бўлгач, барча эзгу ниётлар рўёбга чиқаверди. Шаҳардаги мусиқа мактабиде ўқитувчиман. Олимнинг невараси ҳам, ишчининг ўғли ҳам бир хилда мусиқа сирларини ўрганади. Мен шундай юртда яшаб, шундай одамлар орасида бўлганим билан фахрланаман. Бахтли ҳаёт кечириб деганлари шу эмасми?!

Николай ПОТАПОВ — Шароф Рашидов номи кўча, 19-уй, 7-хонадон: Ўзбек халқининг ажойиб бир мақоли бор — «Ховли олма, қўшни ол». Маҳалламизда, қўшнилари орасида шунчалик аҳил, иноқ яшайликмики, айрим танишларим каби кўчиб кетишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман. Ҳаётимдан жуда мамнунман. Ўзбекистонимиз гуллаб, яшнайверсин.

Валерий ГЕВОРКЯН — Ўзбекистон кўчаси, 23-уй: — Дунёдаги энг бағри кенг халқ ўзбеклар деб сизни ишонтириб айта оламан. Маҳалладаги тўйларга таклиф этишдади, байрамларда, айниқса ҳайитларда йўқлаб, кучоқлашиб кўришадими. Мен ҳам, оилам ҳам ҳар доим ўзимизни ўз ватанимизда, қондошларимиз орасида юргандай ҳис қиламиз.

Виталий КИМ — Оҳангарон шаҳар, 3-кичик туманда яшовчи: — Бу серкуёш ўлка ҳаммамизни ром этган. Ўзбек тили шунчалик бой эканки, қўшнилари мени соф ўзбекча гапирасан, дейишди. Уйлариде меҳмон бўлади, тўйлариде қатнашадиган, қийин кунларимда елкадош бўладиган ўзбек биродарларимдан, қадрдонларимдан бир умр миннатдорман.

Татьяна ИВАНОВА — Ўзбекистон металлургия комбинати оператори: — Ишга келганимда ўзимни ниҳоятда бахтли сезаман. Чунки, 20 га яқин миллат фарзандлари аҳил, иноқ, кунни яхши ишлаш ва ҳазил-кулги билан ўтказамиз. Бизда ҳеч ким миллат ажратмайди, ҳамма бири-бирига дўст, ака-ука, опа-сингил, хуллас туғишанлардек. Танги, меҳр-саховатли, ортиятли халққа эга юртда яшаётганимдан фахрланаман.

Наталья ЛИПУНЦЕВА — Ангрэн шаҳар, 19-кичик туман 24 уйда яшовчи: — Ўзбекистонда яшаётганимга узоқдаги қариндошларим ҳавас қилишди. Чунки, шу шаҳарда яшаб, икки фарзанд кўрдим. Қизим қишлоққа, ўзбек оиласига келин бўлди, ҳозир ширин турмуш кечирмоқда. Ўғлим маҳалламиздаги ҳамма йигитлар қаторида ўсиб, улғайди. Ҳозир у ҳам оила бошлиғи, шаҳарда радио-телевизор устахонаси очиб ишлаб турибди. Кечкурунлари файзли дастурхон атрофида тўпланамиз, хонадонимизда кулги янграйди. Ана шу кайфият ҳар доим ҳаммамизга ҳамроҳ бўлсин, ҳукуматимиз, севимли Президентимиз доимо омон бўлсин, юртимиз тинчлиги, осойишталиги кўз тегмасин!



— Мухтарам муфтий ҳазратлари, қандай улкан бахтимиз борки, Ўзбекистон аталмиш муқаддас юртинг фарзандларимиз. Ватан туйғуси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни баён қилиб берсангиз.


— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Аллоҳнинг китоби - Қуръони карим, муборак Ҳадиси шарифларда Ватан, она юртини севиш, уни душманлардан ҳимоя қилиш, унинг раънақи учун сиқидилдан хизмат қилиш ҳақида гоят сермазмун фикрлар баён қилинган. (Аллоҳ таборака ва таоло ривоят қилишларича, бизнинг

ни бунчалик узоқ дуо қилдингиз?» деб сўрашди. Шунда пайгамбаримиз: «Мен икки дарё орасида яшайдиган, иломини чуқур тушунадиган ва уни оламга ёядиган умматларимни дуо қилдим» деб «жавоб берганлар. Пайгамбаримизнинг башоратлари ўз таъдирини топиб, боъти уламонинг юртидан ваҳҳобийлар

Ҳар бир инсон ўз Ватанининг бир парчаси, номи, шаънидир. Унинг вужудида Она заминининг ҳарорати, қуёшининг тафти, улуг бобокалонларининг руҳи яшайди. Инсон камолида киндик қони тўкилган заминнинг хосияти

МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАГАНДА

борлиги шундан. Ҳа, ортида Ўзбекистондек жаннатмакон юрти бўлган инсон Ҳазрат Навоийдан руҳ олиб, соҳибқирон Амир Темурад кудратини жисмига жойлаб, Пахлавон Маҳмуд жасоратини қалбиде асраб Она юрти учун садоқат камарини белга боғласа, у енгилмас кучга айланади, миллат тимсоли сифатида абадул-абад эл қалбиде яшайди. Ҳар гал кураш тушарканман, Ватан меҳри юрагимни чироқ мисол ёритиб туради. Яна отам, самбо кураши бўйича Европа ва жаҳон чемпиони Собир Курбоновнинг «Ўғлим



учун курашаётганимни теран англайман. Шу лаҳзада қайта тугилман, томиримда кураги ерга тегмаган пахлавон боболарим қони жўш уради, руҳимга бобока-

Ўтмиш сабоғи Фитрат


ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди! Холинг қалайду? Нечук кунларга қолдинг? Эй... Темуларнинг, Ўғулларнинг оилаларининг шонли бешиқлари! Қани учқидиғинг юксак ўринлар? Куллик чуқурларига недан тушдинг?! Дунёни «урҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани! Ер тупроғини кўкларга учиратган тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товуши чиқмайду! Ер юзинг бир неча полвонлар бўлган ботирларинг қани! Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларинг ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... нечун... нечун... Гапир менга эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?! Ер юзинг буюк салтанатларини сен курмадингми? Хиндустоннинг, Эроннинг, Европанинг улуг ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй ҳоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар тугўйи! Қани у чақмоқ чопишли ботир ҳоқонларинг? Қани аввал ўқ юришли отли белкларинг? Нечун «урҳо»лар эшитилмайду! Салтанатларинг нечун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остига олган ҳоқонларинг нечун кучи ўлди! Кучингми кетди! Кимсасизми қолди? Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан! Бугун ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидеги қон... Темуларнинг қонидур! Буларнинг кучлари сенинг кучингду! Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмашиду! «Хуррият», 1917 йил 28 июл.

УЛУҒ ЗОТЛАР АВЛОДИМИЗ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан мусоҳаба

муқаддас юртимизга назари тушган). Мўътабар китобларда ёзилишича, Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо салоллоху алайҳи васаллам пайгамбарлик макомига эришиб, Арабистон ярим оролининг ҳукмдори даражасига етганларида узоқ-яқин мамлакатлардан келиб у зоти олийни зийрат қилгувчилар кўпайди. Кунлардан бир кун Яман юртидан келган уламо: «Эй, Оллоҳнинг расули, менинг халқимни дуо қилинг», деб сўрадилар. Расулulloх унинг илтимосини қайтармай, халқини дуо қилдилар, унга фаровонлик, бахту саодат тилалдилар. Шомдан келган уламо ҳам менинг халқимни ҳам дуо қилинг деб мурожаат қилдилар. Расулulloх Шом халқини ҳам дуо қилдилар. Нажд томондан келган уламо ҳам пайгамбардан халқини дуо қилишларини сўради. Пайгамбаримиз унга жавоб бермадилар. Уламо илтимосини учинчи марта такрорлаганидан кейин Расулulloх: «Сенинг илтимосингни баҳара олмайман. Сенинг юртингда динимизга путур етказувчи шайтон пайдо бўлади», деб айтган эканлар. Шундан кейин юзларини кунчиқар томонга қаратиб, қўлларини очиб узоқ дуо қилган эканлар. Халқи уламолар: «Эй, Оллоҳнинг элчиси, сиз қайси халқ



берсангиз. — Юртбошимиз, мухтарам Ислам ака Каримов таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда ўзгал мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик, бунёдкорлик кўзга ташланмоқда. Бундан ҳар томонлама мустақамлаш зарур. Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлидаги энг катта масала кишиларимиз дунёқарашиде, жамиятимизда Ватанга меҳр гоёси биринчи ўринда туриши керак. Она Ватан киндик қонимиз тўкилган табаррук замин, саждагоҳимиздир. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий гурур, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун кун-куват бағишлайдиган гурур қўйилиши лозим. Янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, уларни тарбия

қилмасдан ўз олдимизга қўйилган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз. Ёш авлод тарбияси учун ота-оналар, муаллимлар, мудрислар, Имом-хатиблар — ҳамма жавобгардир. Бир ёқадан бош чиқариб, ҳамма миз бу улуг ва савобли ишга киришсак, кутилган натижаларга эришамиз, иншооллох.

— Шу аснода Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш, улуг эътиборни қўчайтириш ҳам долзарб масалалардан биридир. — Ҳақиқатни айтиш керак. Мустақиллигимизни, иқтисодий, ижтимоий, маънавий таррақийётда эришаётган ютуқларимизни, барқарорлик, ҳамжиҳатлигимизни кўра олмайдиган ёвузлар ҳам бор. Улар зимдан бизга таҳдид солиб турибди. Бироқ, биз огоҳ ва ҳушёр турар эканмиз, улар ҳеч қачон шум ниётларига етолмайдилар.

Биз мардлиги, беқиёс қаҳрамонлиқлари, матонати билан дунёга танилган халқимиз. Мардлик ва шижоат ҳар бир инсоннинг таҳсинга сазовар, буюк фазилатидир. Мард ва доворак фарзандлар она Ватанга, халққа шон-шарф келтирадилар. Мардлик ва жасорат юксак қадрланадиган юрт энг қудратли, мустақам

давлатга айланади. Мард йигитлар Ватанин химоя қиладилар. Пайгамбаримиз Расули Акрам Мухаммад саллоллоху алайҳи васаллам саҳобалардан бирига қараб айтган эканлар: «Ватан сарҳадларини душмандан бир кун ҳимоя қилиб турмоқчи ўтмиш йил нафл намозини ўқигандан афзалдир».

Соҳибқирон Амир Темурдан бизга мерос, қимматли фикр-мулоҳазаларини ҳурматли муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз: «Мардлик ва шижоат соҳиб, аъми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. «Хотирдан чиқмасинки, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди», «Ботирлик — қалъа олади», «Мард жангда билинар, доно — машваратда».

Ватанин севмоқлик иймондандир. Орқамизда қоладиган фарзандларимиз қалбига ватанпарварлик, мардлик уруғини қадайдикки, токи у кунгил боғиде воғга етиб, ҳосил берганда авлодларимиз азиз бошларини бандан кўтариб, инсониятнинг олдинги сафиде бўлсинлар.

Сўхбатни жамоатчи мухбиримиз Мирза Анвар КАРИМОВ олиб борди.

Ватан ҳамма нарсадан улуг, унинг ҳар қарич тупроғи эса муқаддасдир. Ватан бу - аввало ота-она, туғилган ер, севиқли ёр, дўст-биродар деганидир. Ана шу кутлуғ тушунчалар биллашиб Ватан туйғусини ҳосил қилади.

Аллоҳ одамзотни муқаддас тупроқдан яратди. Уни дунёдаги жамик мавжудотлар - фаришта-и малойикалардан устун қўйди. Рўйи заминни Одамга Ватан сифатида туҳфа этди. Шундан бери инсонлар Ватандан яралиб, Ватанга қамол топиб, илдиэ отиб ва яна Ватанга қайтадилар.

Ватан эса одамзотнинг етмиш икки томирдан гулпиллаб оқётган покиза қони, уни суяб турган иймон қалъаси, руҳиде мангу ҳамроҳ бўлиб яшаётган авлодлар ёди.

Шундан Ватан меҳри улуг ва муборак. Ватан шунинг учун ҳам ягона ва азиз. Улимдан ҳам Ватан муҳаббатининг ус-тунлиги шундан. Юрагиде Ватан меҳри уйғоқ инсонларнинг ҳамиша

мисол ёритиб туради. Ватани йўқ инсон курашмайди. Ватан, деб ўзини ўққа-чўққа урмайди. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятининг энг нозик нуқтаси ўзликни таниш, Ватанин англашдек шарофатли фаслга бахшида бўлади. Дунёда юртим деб ўлган ўғлонларнинг насл-насаби, ному шони миллат фаҳрига айланади. Шунинг учун ҳам Она заминга оёқ босиб турган

ҳар бир инсон, ўз миллатига, ўз Ватанига, ўз эътиқодиға эга бўлиб, инсонийлик шарафини адо этсам дейди.

Ватан аталмиш муборак қалъа юракдан бошланади. Ватан туйғуси Она вужуди, ота қонидан ин-

сонга кўчади. Инсон дунёга келмасдан Ватанин англайди. Онанинг яхши ниётлари, пок муҳаббати билан гўдак қалбиде етилади Ватан шуқуҳи. Туйғуларнинг улуги сифатида кўз очади. Туғилган замин, киндик қони тўкилган тупроқдир Ватан. Унда

тимоли, Миллат эса Ватан кўксидеги чироқ. Тарих эса Ватанинги ўзлигини елкасига ортиб бораётган адолат карвони. Она тил Ватанинги дилидаги сўзи бўлса, Муборак замин эса унинг боқийлиги рамзидир. Бу кўҳна дунёда барча нарса омонат, фақат

Ватан мангудир. У инсоннинг ўзлиги, тили, дини, миллати бўлиб боқий яшайди. Дунё дунё бўлиб яралгандан бери неча минг авлод келиб, неча миллион аждодлар кетди. Улар Ватанга, Ватан тупроғига сингиб кетдилар. Бу гўзал диёр деб кимлар келиб-кетмади, бу дунёдан. Улар кетдилар мангуликка, Ватан эса қолди. Барига оқсоч Ватан тарихи гувоҳ.

Тарих каломи ҳақ қаломидир. Уни неча бор алдамчи сиёсат бўёқлари билан бўясалар-да, Истиклол силсиласида ёлгонлар чил-чил синиб, ҳақиқий асл қиёфада на-



ЯГОНА,

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ (ЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!)

Мен тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келган украин фарзандиман. Эсимда қолгани, урушнинг совуқ шарпалари, ўт ичида қолган уйимиз, хотин-халажларнинг оҳ-воҳи, онамни, акаларимни излаб йиглаганим, сўнгра очлик... совуқ... Эҳ-ҳе у кунлар ёди бехосият туш мисол хотирамда қолган...

ЎЗБЕКЛАРДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

Ўзбек халқи биз гўдакларни бажонидил бағрига олди... Меҳр билан бошимизни силади. Мен ана шу гўдакларнинг бири эдим. Жўра ака деган оқибатли, маърифатли инсон мени ўзига қиз қилиб олди. Бу оилада ҳеч камчилик кўрмай камолга етдим. Бу инсонларнинг қуёшдек тафтли меҳр-мухаббати мени ўзига шунчалик мафтун этдики, ўз она тилимни унутиб, соф ўзбек тилида сўзлашадиган, ҳатто сочларимни жамалак қилиб қувонадиган бўлдим. Исмим Зоя эди, Зайниш деб ўзгартирдим. Тақдир мени ўзбеклардек мард, танти, дину диннатли инсонларга рубару этганидан ҳаммиша ўзимни бахтиёр сезаман. Институтни тугатиб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлдим. Ўзбек болаларига 40 йил она тили ва адабиётдан дарс бердим. Қандай шараф эди бу, кўплар менга ажабланиб қарашарди, ҳатто дарсларимни тафтиш қилишарди, мен эса болаларга шу халққа бўлган меҳримни қўшиб сабоқ берардим. Дарсларим ҳаммиша аъло баҳоланарди.

Ўзбек йигитига турмушга чиққанимдан кейин ўзим ҳам ўзбекка айландим. Бугун нафақадан, фарзандларим камолдан қувонаман, Ўзбекистон фуқароси эканлигим билан фахрланаман.

Ҳа, Ўзбекистон иймон-этикод юрти, меҳр-мухаббат Ватани, мардлар, баҳодирлар, сўзи-оши билар маконидир. Шунинг учун ҳам бу заминга қадам қўйганлар унинг бир умрга фарзанди бўлиб қолишни орзу қилишарди.

Зайниш Жўраева, меҳнат фахрийси.

МЕҲРИМ ПАЙВАСТА

Дунёда шундай мунаввар кўшиқ борки, уни куйлаганинг сари маънан юксалиб, руҳан покланиб бораверасан. Бу жаннатмакон Ўзбекистон - Ватан ҳақида кўшиқдир. Ҳар гал Ватан ҳақида кўшиқ куйлаганимда юрагим жунбушга келади, жаннатмакон Она Ўзбекистонимнинг пурвиқор тоғлари-ю, сўлим боғлари, самимий меҳнаткаш халқи кўз ўнгимдан ўтаверади. Кўшиқ руҳимга қанот бахш этади, десам ишонинг, дилдан жўшиб куйлар эканман, хаёлан олмазор-шафтолизор боғларда шўх қизалоқлар билан қувнаб ўйнайман, дала шийпонларида ҳордиқ чиқараётган кетмончи қизлар даврасига қўшилиб булоқ бўйларида ором оламан. Тоғлар бағрида кўй боқаётган чўпонлар кўлидан муздеккина қимиз шимириб, болакайлар билан чўққилар оша югураман. Нуғоний онахонлар, отахонлар даврасидан кўр олиб, ишчилар сафига қўшиламан. Хаёллар оғушида юксалиб боравераман.

Эҳ-ҳе... Ватан ҳақида куйламоқнинг шукуҳи, қалбда уйғотган гурури ҳақида сўзламоқ учун менда на шoirлик иқтидори, на ёзувчи қалами бор. Мен уни фақат кўшиққа соламан, юрак-юрагимдан куйлайман.

Мустақилликнинг дастлабки онлариданоқ Ватан ҳақида куйлаганман. «Ассалом, ўзбегим» истиқлолни тараннум этувчи биринчи эстрада жанрида айтилган кўшиқ десам ҳато бўлмас. Сўнгра «Ўзбекистоним», «Ватан», «Ватан дегани нима?», «Онажоним — Ўзбекистон», «Ватанни севмоқ», «Қалбим онаси — Ватан», «Ватан ягона» каби кўшиқларим дунёга келди. Кўшиқ билан ўсдим, ундим, руҳан қувватланиб бордим. Истиқлолнинг 9 йиллигига атаб, насиб бўлса, энг жозибали кўшигимни яратиш ниятидаман. Бу эзгу ишда менга аввало, Ватанга бўлган мухаббатим, садоқатим, қолаверса, аждодларим руҳи мададкор бўлишига ишонаман.

Озод ва мустақил Ватанни куйламоқдан ортиқ бахт борми дунёда. Истиқлол, эрк ва озодлик инъом этди бизга бу тоғлар. Бир вақтлар бировларнинг кўшигини айтиб

яшардик. Бировларнинг кўшиги билан тонгимиз отиб, кунимиз якунлариди. Қанчалик қобилиятли бўлмайлик, юракдан айтилмагани учун кўшиқ бизга қанот бахш этмасди. Тилимиз куйласа-да, дилимиз лоқайд эди.

Шоир айтганидек:

Ватандан айри кўнглини билингки яйратиб бўлмас, Баайни айри булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан ҳақида бугун жўшиб кўшиқлар куйлаёмиз. «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ кўриктанловларини маҳалла, туман, вилоят, республи-



Мардлар кўриқлайди Ватанни. Бунинг заминиди чукур маъно бор. Она юртининг қорига яраган, унинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилганлар энг бахтли инсонлардир. Биламизки, чегарачи бўлиш осон эмас. Бойси унинг ҳаёти ҳаммиша таҳликада. Бироқ ўз бурчига, қасамедига содиқ ўғлонларимиз кечаю кундуз хушёр туриб, мустақил Ўзбекис-

тон чегараларини кўриқламоқдалар. Уруш ва меҳнат фахрийларининг улар билан учрашувлари ирода ва эътиқодларини янада мустаҳкамламоқда.

Сурхондарё вилояти «Нуроний» жамғармаси жанубий чегарачилар бўлинимасини ўз ҳомийлигига олган. Яқинда табарруқ инсонларнинг чегарачилар билан учрашуви бўлиб

ўтди. Фахрийлар оловли йилларда ўзбек жангчилари элим деб, жигарларим деб мардонга жангга кирганликлари, улар кўрсатган мардлик-қарамонлик ҳақида ҳикоя қилдилар.

Суратларда: чегарачилар ҳаётидан лавҳалар.

И.ХҲЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Абдулла ОРИПОВ

ИСТИҚЛОЛ КЎШИГИ

Мурувату маърифатдир буюкликнинг нишонаси, Қадам кўйинг, мана сизга асл йўлнинг остонаси,

Жаҳон ичра буюк юртни улуг дoston этайлик биз, Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Минг-минг шуқур, келиб даврон истиқлолга эришдик биз,

Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдик биз,

Жаҳон ичра буюк юртни улуг дoston этайлик биз, Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Иймон нури оқиб турар бир

гавҳар бор қонимизда, Не-не буюк боболарнинг бардоши бор жонимизда,

Жаҳон ичра буюк юртни улуг дoston этайлик биз, Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконимиз, Етишгайимиз келажакка, покизадир виждонимиз,

Жаҳон ичра буюк юртни улуг дoston этайлик биз, Замон келди Ватан бағрин гўзал бўстон этайлик биз.

Эркин ВОҲИДОВ

КЎНГИЛ ИСТАГИ

Бу Ватанда бир Ватан қурмоқни истайдир кўнгили, Ўзни озод қуш каби қўрмоқни истайдир кўнгили.

Бу Ватан тимсоли бўлса

Тонг қуёши шуълавор,

Шуълалар қўйида чарх —

урмоқни истайдир кўнгили.

Ул Ватанга байроқ — инсоф,

Адл — туғро, муҳр — меҳр.

Сарҳадида соқчидек

Турмоқни истайдир кўнгили.

Ким бу тупроқ қадрин истар

Айламоқ тупроққа тенг,

Кўзига тупроқ билан,

Урмоқни истайдир кўнгили.

Ул Ватан елканларини

маърифат уммонида

Қиблаи имон сари

бурмоқни истайдир кўнгили.

Бас, етар ёлгон саодат

ёлгон эрк, ёлгон ватан,

Хуррият завқини чин

сурмоқни истайдир кўнгили.

Қутлуғ истиқлол куниди,

Эй Ватан, бағрингда шод,

Эркин ўғлонинг бўлиб

юрмоқни истайдир кўнгили.

ка босқичида ўтказаятирмиз. Юртимизда бугун етти ёшдан етмиш ёшгача барча кўшиқ шайдоси.

Хорижлик ватандошларимиздан бири Ўзбекистонимизни жаннатга қиёслаб, «Жаннат осмонда бўлса, ости Ўзбекистон, агар жаннат ер остида бўлса, усти Ўзбекистон», деган экан. Аллоҳ эъзозлаган шундай юртни, унинг меҳнаткаш, очик кўнгили, сабр-бардошли халқи ҳақида кўшиқ айтмай бўладими, ахир?! Бундай жаннатий юрт учун, унинг азиз халқи учун ҳар қанча куйласанг ҳам оз.

Гулбаҳор ЭРКУЛОВА.



УЛАРНИ КИМ ДЕБ АТАЙЛИК

Ватан - Она! Онадек меҳрибон, Онадек бағри кенгдир. Шунинг учун ҳам Ватанини сотмоқ, Она сутини ҳаром қилмоқдек кечирилмас гуноҳи азимдир.

Юртимизда бугун оналар шарафланмоқда, «Оила», «Аёл», «Соғлом авлод» тимсолида уларга катта имтиёзлар берилмоқда. Фарзандларимиз дунё сарҳадларида ўзбек номини шон-шарафга буркамоқдалар. Афсуслар бўлсинки, юртимиз нону тузини еб, эл меҳр-мухаббатидан баҳраманд бўлиб вояга етган баъзи кимсалар ноҳозис йўлларга кириб, гуноҳи азимга ботмоқдалар.

Нур бор жойда соя ҳам пайдо бўлганидек, мамлакатимиз эришяётган ютуқлар, обрў-эътибор кимларнингдир гашини келтирмоқда. Ганимлар Ўзбекистон камолни, шу бахтли ҳаётимизни кўрولма-яптилар. Улар динни ниқоб қилиб олиб, ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишда ҳаётий тажрибаси кам, турмушнинг паст-баландини тушуниб етмаган ёшларни авраб, ўз гирдобларига тортомоқдалар. Аммо халқимиз ўзлигини таниган, Ватан озодлигини муқаддас тутган. Энди у олдингидек оломон эмас, оқу-қорани, яхши-ёмонни, дину-иймонни яхши ажратиб олган. Аммо ёмонлар тузоғига иймонни сўст, қалби сўқир кимсалар илинмоқдалар. Абдулҳафиз Мақсумов исмли марғилонлик йигитнинг боши берк кўчага кириб, «Ҳизбут-т-тахрир» оқимиға мансуб кишиларнинг этагидан тутганини кўриб, ёқамни ушладим. Тўғриси, шундай инсон билан бир шаҳарда яшаганимдан уялиб кетдим. Дарахнинг бўшини қурт ейди, деганларидек, боғбон йигит сўққабаш яшаган. Еру биродарлари элим-юртим деб куйманиб юрганида, тадбиркорлик кўрсатиб, халқнинг оғирини енгил қилганида у ўзини четга олади, улуг ишларга гайирлиги келади. Дўсту ёрлари унинг жарга қулаб бораётганини ҳаргиз тушунтирмасинлар, у онг-шуурини заҳарлаган иллатдан қутилолмаган. Аксинча, шум ниятнинг бошқаларга ҳам юктиришга ҳаракат қилиб варақалар таркатган. Унга Назир Пориков каби қалби сўқирлар йўл кўрсатган. Қарангки, меҳрибон йўлбошчимиз, она халқимиз Абдулҳафизнинг, унинг ноҳор қолган отасининг минг бор қилган тавба-таазиррусини инобатга олиб авф этишган эди. Бироқ тоғни урса талқон қиладиган йигит кучини меҳнатга бермай, яна ярамас ишларини давом эттирверган. Хуллас, Қумтепа бозорига варақа тарқатаётганда қўлга олинди. Уша куни Абдулҳафизнинг ноқўрлигини эшитиб, ор қилдим.

Мўътабархон ТОЖИБОЕВА, Фаргона вилояти.

моён бўлаверди. Ватан мисоли ватанпарвар инсонлар ҳам мангу барҳаёт яшайдилар.

Ҳазрат Амир Темури даҳоси ана шундай кучга-қудратга, қолаверса, Ватан тимсолига айланган эди. Ул зот азиз Ватан ичра эзгуликдан, меҳр-саховатдан шундай

туркнинг бош бўғинимиз...» деган даъватлари хотирга келиб, юраклар титрайди, миллий гурури алангаланади. Келажак ўтмишдан куч-қувват олади. Ўтмиш буюк давлат келажаккага йўл очади. Йўлбошчимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «Гурурли халқни

дея умрининг охиригача Ватан хаёли билан яшайди. Аслида Навоийни шоир қилган ҳам, Фурқатни дашту карбалоларга аросатда қолдирган ҳам Ватан соғинчидир.

... Бундан икки йил олдин олис Америкада яшаётган ҳамюртлари-

миз ота-ўғил Саид Қори ва Муҳаммад Ҳасанлар Ватанга қайтдилар. 88 ёшли Саид бобо 69 йилдан сўнг она юрти Бухоро билан дийдорлашди. Отахон Бухоро тупроғига қадам қўяр эканлар, аввало Она заминни тавоф этдилар. Кўзда ёш, дилда шукрона билан

Ватанни қадамба-қадам кездилар.

- Бу кунларга етгунча бошимиздан қандай оғир кунларни кечирмадик, дейсиз. Ватан соғинчи, Ватан илнжи бизни балолардан омон олиб ўтди. Бегона юртларда яшасак ҳам юрагимиз Она юртимизда эди. Ҳар

тонг Яратгандан юрта қаймоқ бахтини, Ватан озодлигини сўрардик. Ватандан бир хабар эшитган ёки бир ўзбекни кўрган кунимиз байрам эди. Ватан Озод бўлган кун - биз хорижлик ўзбеклар учун ҳам қайта дунёга келган кун бўлди. Шу куни Америкада яшаётган ўзбеклар миллий кийимда, бошимизга дўппи кийиб БМТ биноси олдида тўпландик. Севинч ёшлари юзимизни ювар, дилимиздан қувонч тошарди. Аллоҳга шуқур, Ватанимиз бошига Хумо куши қўнганини ўз кўзим билан кўрдим, Ватан мадҳиясини тинглаб, Ватан байрогини ўлдим.

Нуронийнинг сўзларида ҳақиқий тарих юз кўрсатади. Отахон дунёдаги энг ривожланган давлатда яшасалар ҳам Бухородек жаннатмакон, киндик қони тўкилган юрта ўхшаш шаҳарга дуч келмоқни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ватан хаёли отахонга куч берди.

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,

деганларида юрагимга, жисми-жонимда Ватан деган муқаддас туйғунни жойлаганлар. Жалолиддин Румий эса шундай башорат қилдилар, бу тупроқда оҳиста-оҳиста қадам босмоқ, пок ният билан одимламоқ даркор. Негаки, сен босаётган тупроқ қачонлардир бир гулрухсорнинг гўзал чехраси ва ёким бир пири камилнинг боши бўлса не ажаб!

Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон Ватан - барчамизники экан, унинг нури келажакга учун курашиш ҳар биримиз учун катта бахтдир. Юртимиз эса катта имкониятлар мамлақати.

Ватан ўз фарзандларидан мардлик ва жасорат, садоқат ва олижаноблик қутади. Маънавий баркамол инсонлар Ватанимга нима бердим, унинг тинчлиги, оқойишталиги учун қандай хизмат қила олдим, деб яшайди.

Амина ҚОДИРОВА.

АЗИЗУ МЎЪТАБАР

қўрган барпо этдиларки, унинг овозаси XXI аср бўсағасида турган инсониятни бугун ҳам ҳайратга солмоқда. Муҳташам Оқсарой, Самарқанд сайқалини безаган муаззам масжиду мадрасалар... Уларга боққанинг сайин юрагинг фахр-ифтихорга, гурурга тўлади. Кимнинг авлодидан эканлигинг ёдга келиб, руҳан юксаласан. Боболарга муносиб ворис бўлиш, ўзбек номи билан жаҳонга чиқиш нияти қалбда тугён уради ва соҳибқироннинг «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи

ҳеч ким ҳеч қачон тиз чўктиролмайдими. Биз Амир Темури сиймосида ана шу гурури сарчашмасини кўраимиз».

Ватаннинг қадрини, Ватандан жудо бўлганлар, давр тақозоси билан юртдан қувилганлар янада теран англайдилар. Шоҳ Бобурнинг афғонларидида ману яшайди Ватан соғинчи. Анда жони қолган шоир руҳидан муносиб ворис бўлиш, ўзбек номи билан жаҳонга чиқиш нияти қалбда тугён уради ва соҳибқироннинг «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи



ҳеч ким ҳеч қачон тиз чўктиролмайдими. Биз Амир Темури сиймосида ана шу гурури сарчашмасини кўраимиз».

Ватаннинг қадрини, Ватандан жудо бўлганлар, давр тақозоси билан юртдан қувилганлар янада теран англайдилар. Шоҳ Бобурнинг афғонларидида ману яшайди Ватан соғинчи. Анда жони қолган шоир руҳидан муносиб ворис бўлиш, ўзбек номи билан жаҳонга чиқиш нияти қалбда тугён уради ва соҳибқироннинг «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи

ҳеч ким ҳеч қачон тиз чўктиролмайдими. Биз Амир Темури сиймосида ана шу гурури сарчашмасини кўраимиз».

Ватаннинг қадрини, Ватандан жудо бўлганлар, давр тақозоси билан юртдан қувилганлар янада теран англайдилар. Шоҳ Бобурнинг афғонларидида ману яшайди Ватан соғинчи. Анда жони қолган шоир руҳидан муносиб ворис бўлиш, ўзбек номи билан жаҳонга чиқиш нияти қалбда тугён уради ва соҳибқироннинг «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи

ҳеч ким ҳеч қачон тиз чўктиролмайдими. Биз Амир Темури сиймосида ана шу гурури сарчашмасини кўраимиз».

Ватаннинг қадрини, Ватандан жудо бўлганлар, давр тақозоси билан юртдан қувилганлар янада теран англайдилар. Шоҳ Бобурнинг афғонларидида ману яшайди Ватан соғинчи. Анда жони қолган шоир руҳидан муносиб ворис бўлиш, ўзбек номи билан жаҳонга чиқиш нияти қалбда тугён уради ва соҳибқироннинг «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонимиз. Биз ким миллатларнинг энг улуғи

2000 йил — Соғлом авлод йили

Жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши аҳолининг ярами болалардан иборат юртимиз ҳаётида жуда катта ва муҳим воқеа бўлди. Шу муносабат билан келажакимиз эгалари фарзандларимизнинг соғлом, ақлан ва жисмонан баркамол вояга етишлари йўлида бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда ЮНИСЕФ Халқаро ташкилотининг ҳам ўзига хос хиссаси бор.

аҳолини яхшилашга қаратди. Хозир эса бу ташкилот дунё миқёсида, айниқса, ривожланаётган, иқтисодий нисбатан ночор мамлакатларда болалар шароитини

СЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бундан олти йил муқаддам март ойида иш бошлаган. Унга ҳозирда Руди Родригес раҳбарлик қилади. Ушбу ташкилот Ўзбекистонда

ЮНИСЕФ БОЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Болалар фонди — ЮНИСЕФ БМТнинг 54 та давлат аъзоларини бирлаштирган иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши ЭКОСОСнинг махсус органларидан бири ҳисобланади. Фонд болаларни ҳимоя қилиш, саломатликлари ҳақида ғамхўрликлар кўрсатиш масалалари билан шуғулланади. Унинг фаолияти Болалар ҳуқуқи Конвенцияси доирасида олиб борилади.

хар томонлама яхшилашга хизмат қилмоқда. У 1989 йили бир овоздан қабул қилинган ва барча мамлакатлар парламентария томонидан ратификация қилинган Болалар ҳуқуқи Конвенциясида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга катта аҳамият беради.

бир қанча йўналишлар бўйича иш олиб бормоқда. Жумладан, 2 ёшгача бўлган болаларни полиомелит, қизамиқ, дифтерия, қоқшол, кўк йўталга қарши эмлашда, камқонликка қарши кураш ва унинг олдини олишда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилиб, биргина 1998 йилда 16 миллион донна темир моддаси бор таблеткалар етказиб берилди.

ЮНИСЕФ 1946 йили БМТнинг Бош ассамблеясида ташкил этилиб, асосий эътиборни иккинчи жаҳон урушидан кейин Европадаги болаларнинг аянчли

ЮНИСЕФ турли давлатлар ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда болалар саломатлиги, таянч саводхонлиги, озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминланмиш, атроф-муҳит ва экологик тозалик каби масалалар билан боғлиқ дастурларни амалга оширади.

Шунингдек, йод танқислиги ва унинг оқибатида келиб чиқувчи бўқоқ касаллиги билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам катта ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда Республика эндокринология институтига 168.960 АҚШ долларлик тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар

тақдим этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда болаларни она сути билан боқиш ва унинг аҳамияти борасида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, унга билимдон мутахассислар жалб этилмоқда.

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги қишлоқ касалхоналарига алоҳида ёрдам дастури ишлаб чиқилган. Уларга 216.721 АҚШ долларилик дори-дармонлар ажратилди. ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан олиб борилаётган яна бир муҳим тадбир, бу таълимни ривожлантириш. Бу борада айниқса, Оролбўйи иқлимининг бузилишидан азият чеккан Қорақалпоғистон Республикасида катта ишлар амалга оширилди. Минтақадаги мактаблар учун 22.887 АҚШ долларилик зарур жиҳозлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ажратилди.

Абдухалил РАЗЗОКОВ, профессор.

Хунарли хор бўлмас

ШАҲРИСАБЗ КУЛОЛЛАРИ

Гулнора Одилова асли шахрисабзлик. Тошкент давлат дорилфунунининг тарих факультетида ўқиган кезлари мазийнинг ўчмас хотиралари билан тўқнаш келганида доим Шахрисабзнинг тарихий ёдгорликлари кўз ўнгидан ўтарди.

Эттириш учун кенг қўламли ишлар олиб бораёلمиз. «Хунарманд» уюшмаси қошида «Усто-шоғирд» мактаби ташкил этганмиз. Ҳар бир усто 5 тагача шоғирд тарбиялайди, уларга ўз касби сирларини ўргатади. Шоғирд ҳам хунар ўрганади, ҳам маблағ билан таъминланади, ҳам диплом олади. Ўтган йилда 4 та «Усто-шоғирд» мактаблари ташкил этилган бўлса, бу йил 10 та мактаб фаолият кўрсатаёпти. Ўтган йили Шахрисабзда Республика хунармандларининг семинари ташкил этилди. Ҳали ёш бўлса-да, юртининг ҳар бир тошени, гиштини қадрлади. Иқтидорли ёшларни топиш ва ижтимоий ҳимоялашда бор имкониятлардан фойдаланди. Шунинг учун ҳам у дастлабки ишни хунармандларнинг пирларини, уларнинг руҳларини шод этишдан бошлади. Хунармандлар сулоласининг давомчиси кулол марҳум Аҳат Музаффаровнинг уй-музеи ташкил этилди. Кулолчилик мактаби унинг ўғилларига топширилди.

— Бугунги кунда уюшмамизда 250 нафардан ортиқ аъзо бор, — дейди Г. Одилова. — Сафимиз кундан-кун кенгайиб бораёпти. Хунармандларни иш қуроллари билан таъминлаш, устоз-шоғирдлик аънанасини давом

Ростдан ҳам бугунги кунда улар олиб бораётган ишлар ибратлидир. Қисқа давр ичида 50 нафардан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланди. «Каба» мажмуасини хунармандлар марказига айлантириш, ҳар хил цехларни ишга тушириш учун режа асосида иш олиб борилаёпти.

Ш. АШУРОВА.

Машҳур фотоусталар жонотларнинг хати-ҳаракатини ўрганиш мақсадида кетма-кет дақиқаларда олинган фотосуратлардан фойдаланиб кўришди. Айнан улар тасвирга олувчи апаратни ҳам ишлаб чиқишди.

1874 йил француз астрономи Ж.Жансен 72 сонияда 48 та тасвирга туширувчи курилма яратди. XIX

КИНЕМАТОГРАФИЯ ТАРИХИДАН

асрнинг 80-йилларида бир сонияда 10-20 та тасвирга туширувчи хронографик курилма пайдо бўлди. Тасвир шийша пластинка ёки қозғоз тасмага туширилган.

Киноаппарат яратиш устида жуда кўп иxtи-рочилар, яъни 1891 йил Эдисон (АҚШ), 1893 йил И. Тимченко (Россия), 1895 йил Ф.Поул (Англия), 1896 йил Т.Армэз (АҚШ) ва бошқалар шуғулланишган. Француз ака-укалар Луи-Жан ва Огюст Люмьерлар ўзлари тасвирга олган илк фильмин намойиш этиш учун проекция апарати намунасини иxtиро этдилар. Худди ўша йили О. Люмьер ва электротехник Ж.Каркенье биринчи механик киноаппаратни яратдишди.

Уз даврида машҳур кўз бойлагич бўлган француз Ж.Мельес 1896 йилда сюжетли фильмлар олишга киришди. 1910 йилга келиб унинг студияси 4 мингга яқин фильмини яратган.

Кейинчалик эса овозли фильмлар олишга уриниш бошланди. 1914 йил Эдисон фонографиясига ёзилган овозни тасвир билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб кўрди.

XX асрга келиб АҚШ, Англия ва Францияда кинотеатрлар сони орта бошлади.

Тошкент шаҳридаги «LAKROS-D» хусусий фирмасининг фаолияти тўхтатилади. Даволат эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Акмал Икромов тумани Зулфизар кўчаси 190-уйда қабул қилинади.



Учун кўлаб гимназия болалар, академик лицейлар, бог ва хиёбонлар, истирохат оромгоҳлари барпо этилди. Тошкент шаҳридаги «Боги эрам» истирохат боғи ҳам қайта таъмирланиб, болажонларнинг сеvimли масканига айлантирилди.

Суратларда: «Боги эрам» истирохат боғидан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Дунёда бола қалбидан мусаффо, гўдак қувончидан гўзал нарса борми?! Шундан болалар қувонган юрtda бахт ва шодлик, тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Улар севинчда юрт фаровонлиги акс этса, маънан ва жисмонан соғлигида миллат келажак буй курсатади. Соғлом авлод йили муносабати билан истиклолимиз ворисларига катта меҳрибонлик қилинди. Уларнинг яйраб-уйнашлари, болалик гаштини суришлари, баркамол шахс бўлиб етишишлари



КАЛИФОРНИЯ НАШРИЁТИ СОВФАСИ

АҚШнинг Калифорния штатида фаолият кўрсатаётган «Филанс-25» деб номланган нашриёт ўз махсулотлари билан кўпгина мамлакатлар китобхонларига яхши таниш. Ана шу нуфузли нашриётда чоп этилаётган турли китоблар бутун жаҳон бўйлаб кенг оммалаштирилмоқда.

ситетининг жаҳон тиллари факультети педагог ўқитувчиларининг фаолияти ҳам Хелливел хоним эътиборини ўзига тортди.

Олий ўқув юрти талабаларига тортиқ қилинган китоблар орасида «Жаҳон энциклопедияси»нинг 30 жилди ҳам бор. Бундан ташқари нашриёт чоп этган «Голден БУК» тўпламининг 18 та жилди ҳам армуғон қилинди. Шуниси эътиборга сазоворки, профессор Хелливел хоним қаламига мансуб «XXI аср муқаддими» китоби армуғон нашрлар қаторидан ўрин олган.

«Филанс-25» нашриётига моҳир ношир ва тарих фанининг билимдони профессор Бетти Хелливел хоним директорлик қилиб келмоқда. Бу фидойи ва жонқуяр раҳбар Ўзбекистон билан ҳам ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйиб, хайрли ишларга қўл урди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг халқаро алоқалар бошқармаси ана шу ҳамкорлик билан боғлиқ муҳим бир хабарни журналистларга маълум қилди.

Чиндан ҳам бу олий ўқув юрти халқаро «Акселс», «Айрекс» ташкилотлари билан алоқа боғлаб, талаба ёшларни Америка университетларига ўқишга юбориш тадбирларини кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Умид», «Устоз» жамғармалари кўмагида Наманган университети жаҳон тиллари факультетидан 10 нафар талаба ҳозир АҚШ, Англия олий ўқув юртларида таҳсил қўриб, ўз билим ва малакасини оширмоқда. Шунингдек, Америка коллежларига ҳам бир неча иқтидорли талаба ўқишга юборилди.

Умуман, нашриёт 150 донаноеб адабиётларни университетнинг жаҳон тиллари факультети талабалари учун зарур ўқув қўлланмалари бўлиб хизмат қилади.

Гап шундаки, Калифорния нашриёти раҳбари Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш жараёнлари билан кизиқиб келмоқда. Жумладан, Наманган Давлат универ-

Наманган университетининг бундай ибратли ишидан мамнун бўлган профессор Хелливел хоним Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мактуб йўллади. Унда Калифорния нашриёти Наманган давлат университети билан алоқани йўлга

А.АЛИЕВ.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ҳамидулла Премқулов жавоб беради.

САВОЛ: Болаларга бериладиган нафақаларнинг тайинланиши ва тўланиши тўғрисида батафсил тушунча берсангиз.

ЖАВОБ: Бунинг учун қуйидаги жадвалга мурожаат қилиш зарур:

Олмахон Жўраева, Бухоро шаҳри.

Болали оилаларга тўланадиган нафақа турлари

Table with 8 columns: №, Нафақа турлари, Нафақа ҳажми, Тўланиш жойи (иш жойида, ижтимоий таъминот бўлимида), Нафақа тайинлаш (белгилаш) учун зарур ҳужжатлар, Нафақа тўлаш манбаи, Асослар. It details various types of child maintenance and their calculation methods.